



Махаллий аҳолини ассимиляция қилиш йўлидаги асосий тўсик, исломдан хабардор рус мустамлакачиларининг фикрига кўра, иймон номидан ишк ва нафрат тамойили бўлиб, ислом динига эътикод қилувчиларда унинг кучини синдириш ёки ҳеч бўлмаганда заифлаштириш керак эди.

Бу ҳақида рус босқинчи армиясининг зобити, Туркистон генерал-губернатори Духовской шундай ёзади:

«Мусулмонларимизнинг махаллий рус халқи билан яқинлашиши, афтидан, мусулмонлар таълимотининг барча насларига душманликни тарғиб қилувчи қисми маъносига бўлган ишончини заифлаштириш асосидагина мумкин.

Фақатгина ўсиб келаётган ёш авлодда тўғри таълим-тарбияни ривожлантириш шариатда пайдо бўлган исломдан ташқари ҳамма нарсага нисбатан нафрат Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўтмишдаги ҳаёт шароитлари ва фаолиятининг махсули эканлиги, энди ўз аҳамиятини йўқотгани ҳақида ишончга аста-секин ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин.

Аммо кўплаб мусулмон мактабларида ёшларнинг ҳозирги таълимини рус мактабларида тўғри умумий таълим фақат кизгин, узок муддатли, мохирона ва катъиятли ҳаракатлардан кейингина алмаштириши мумкин.

Оми ва ўта ҳаёлпараст осиёликлар учун Ислом шу қадар қучлики, тез ўзгаришларга,

Мусулмонлар кандай килиб бўйсундирилган

Муаллиф:

03.12.2023 20:07 - Янгиланди 03.12.2023 20:25

айникса унинг hozirги кучи сехри остида ўсган авлодларга умид килиш бефойда. Сўнгги пайтларда хатто Тошкентда ҳам ўзини хакорат килмаслик учун шаҳарнинг кўшни, рус қисмига ҳеч қачон бормаган мутаассиблар бор эди».

Туркистон генерал-губернатори Духовскойнинг "Туркистонда ислом" ҳисоботидан, Тошкент, 1899 йил.

Ислом дини барча мусулмон халқларининг дунёқараши, маданияти, турмуш тарзининг манбаи ва уларни бирлаштирувчи энг қучли омилдир.

Ислом дини шунингдек, уларнинг ўзига ҳослигининг асоси ва бу халқларнинг ассимиляцияси йўлидаги енгиб бўлмас тўсиқдир.

Абу Муслим тайёради